

Хизматлар соҳаси статистикаси бўлими тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Бухоро вилояти статистика бошқармаси Хизматлар соҳаси статистикаси бўлимининг (кейинги ўринларда Бўлим деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, хукуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Б Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг фаолиятини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3165-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Бухоро вилояти статистика бошқармаси (кейинги ўринларда Бошқарма деб аталади) нинг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат статистикаси тўғрисида"ги қонуни ва бошқа қонунларига, Олий Мажлиснинг норматив карорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, "Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Бухоро вилояти статистика тўғрисида"ги Низомга, мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қиласди.

4. Бўлим хизматлар соҳаси статистикаси масалалари бўйича фаолиятини Бухоро вилояти статистика бошқармаси, туманлар ва шаҳарлар статистика бўлимлари (кейинги ўринларда худудий статистика органлари деб аталади) билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бўлим ўз фаолиятини Бухоро вилояти статистика бошқармаси бошлиғи раҳбарлигига амалга оширади.

Бўлим ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Бухоро вилояти статистика бошқармасининг ўринbosарига бўйсунади.

2-боб. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) хизматлар статистикаси соҳасида ягона сиёсатни ишлаб чиқши ва бажарии, статистикани ташкил қилишининг самарали тизимини таъминлаши ва давлат статистикаси соҳасида мувофиқлаштириши ва функционал тартибга солиши соҳасида:

Бухоро вилояти статистика ишлари дастури, статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, методологик ишларнинг режа-жадвали, Давлат статистика қўмитасининг иш режаларини ўз вақтида шакллантирилишида иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси давлат статистика тизимини ривожлантиришнинг мақсадли дастурларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларининг ижросини таъминлаш

ҳамда вилоят кўрсаткичлари юзасидан жорий ва истиқбол режаларини тайёрлашда иштирок этиш;

давлат статистикаси тамойилларига риоя этилишини ва хизматлар соҳаси статистикаси бўйича халқаро стандартларга мувофиқ бўлган статистик методологиянинг ягоналигини таъминлаш;

хизматлар соҳаси статистикаси маълумотларидан фойдаланувчиларнинг талабларини ўрганган ҳолда истиқболли мақсадлар ва йўналишлар бўйича статистик кўрсаткичларни жорий этиб бориш;

ишлаб чиқиладиган меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига таклифлар ишлаб чиқишида Бўлим ваколати доирасидаги иштирок этиш;

б) халқаро стандартларга мувофиқ бўлган ягона статистика методологиясини ҳамда давлат статистика кузатувлари шаклларини ишлаб чиқши, тасдиқлаш ва жорий этиши соҳасида:

макроиқтисодий, тармоқ ва ҳудудий даражаларда ўрганилаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг қамровини кенгайтиришга қаратилган хизматлар соҳаси статистикаси бўйича маълумотларни йиғиш ва қайта ишлашнинг замонавий методологияси ва методикаларини кенг жорий этиш йўли билан статистик кузатувлар тизимини умум қабул қилинган халқаро амалиётга янада мослаштириб бориш;

хизматлар соҳаси бўйича танланма статистика кузатувлари сонини ва натижаларининг ишончлилигини босқичма-босқич ошириш бўйича ишларни ташкил қилиш, идоравий статистика кузатувлари шаклларини ишлаб чиқиш ва келишишда иштирок этиш;

жамият эҳтиёжларига мувофиқ хизматлар соҳаси статистикаси бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганиш, халқаро тавсиялар асосида кўрсаткичларни ҳисоблаш методикаларини такомиллаштириб бориш;

хизматлар соҳаси статистикаси услубияти, статистик ишларни ташкил этиш ва уларни бажариш масалалари бўйича Бухоро вилояти статистика бошқармаси бўлинмаларига, ҳудудий статистика органларига ёрдам кўрсатиш;

в) ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги статистик ахборотларни йиғиши, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириши, таҳлил қилиши ва эълон қилиши соҳасида:

Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишлари дастурини ишлаб чиқариш дастури, методологик ишлар режа-жадвалининг хизматлар соҳаси статистикаси қисми бўйича бажарилишини таъминлаш;

хўжалик юритувчи субъектларга ишончли давлат статистика ҳисботларини тақдим этишда ҳар томонлама кўмаклашиш, статистик маълумотларни тақдим этиш соҳасида ҳуқуқий маданиятни ошириш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқишида иштирок этиш;

хизматлар соҳаси статистикасига оид давлат статистика ҳисботларини электрон кўринишида, зарур ҳолларда қоғоз кўринишида йиғиш ва бошқа кузатувларни ташкил этиш;

хизматлар соҳаси статистикаси бўйича статистик кўрсаткичларнинг ҳисоб-китобини амалга ошириш ҳамда дастлабки статистик таҳлилини олиб бориш;

хизматлар соҳаси статистикаси бўйича ахборот-статистик маълумотлар базасини шакллантириш, юритиш ва янгилаб бориш, фойдаланувчиларга улардан фойдаланишга доир тушунтиришлар бериш;

олинган статистика маълумотларининг маҳфийлигини, бирламчи ҳисобот маълумотларидан юридик шахсларнинг фаолиятини, бошқа хусусиятларини ёки миқдор кўрсаткичларини расмий тасдиқлаш мақсадида фойдаланишга йўл қўймаслик, давлат сирларига эга бўлган статистика маълумотларини ҳимоя қилинишини таъминлаш;

худудий статистика органларининг хизматлар соҳаси статистикаси бўйича хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида профилактика ишларини ташкил қилиш, ҳисобот ва ижро интизомини таъминлаш бўйича чораларни амалга ошириш борасидаги фаолияти мониторингини юритиш;

умумэътироф этилган халқаро стандартларга мувофиқ хизматлар соҳаси статистикаси бўйича статистик метамаълумотлар тизимини яратиш ва уни доимий ривожлантириб бориш;

тавсия этилган халқаро стандартлар асосида хизматлар соҳаси статистикасида сифатни бошқариш тизимини жорий этиш ва ривожлантириш;

г) белгиланган тартибда давлат органлари, юридик шахслар, халқаро ташкилотлар ва аҳолини хизматлар статистикасига оид маълумотлар билан таъминлаши соҳасида:

хизматлар соҳаси статистикаси бўйича тезкор ва сифатли статистик маълумотлар тайёрланишини таъминлаш;

миллий ва хорижий фойдаланувчиларнинг кенг оммаси учун хизматлар соҳаси статистикасига оид кўрсаткичларни максимал даражада шаффофлиги ва ошкоралигини таъминлаш;

оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш учун хизматлар соҳасида юз берадётган ўзгаришларни ифодаловчи таҳлилий маълумотлар, диаграммалар, графиклар ва пресс-релизлар тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган фармон ва қарорлар ижроси юзасидан Бўлим ваколати доирасида йиллик ва чораклик статистик ҳамда таҳлилий материалларни тайёрлашда иштирок этиш;

хизматлар соҳаси статистикаси бўйича очиқ статистик маълумотларни вилоят статистика органлари, бошқа давлат органлари, халқаро ташкилотлар нашрларида жойлаштириш учун ва барча фойдаланувчиларга статистик маълумотлардан фойдаланиш учун тенг имкониятлар яратилишини таъминлаш;

халқаро статистик тўпламларда чоп этиш учун республиканинг хизматлар соҳасини ривожланиши тўғрисидаги ахборотларни тайёрлаш;

хизматлар соҳаси статистикасига оид статистик кузатувлар ва расмий статистик маълумотларни тарқатиш бўйича ташкил этиладиган ахборот-тушунтириш ишларида иштирок этиш;

д) давлат статистикаси тизимида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириши, фойдаланувчиларнинг республикада хизматлар соҳасини тўлиқ очиб берувчи кўрсаткичларнинг кенг рўйхатидан эркин фойдаланишиларини таъминлаши соҳасида:

хизматлар соҳаси статистикаси амалиётига замонавий ахборот-коммуникация ресурслари ва технологияларини жорий этишда иштирок этиш;

замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, хизматлар соҳаси бўйича асосий статистик кўрсаткичларнинг такомиллаштирилган маълумотлар базасинининг яратилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда тўлдирилиб ва янгиланиб борилишини таъминлаш;

хизматлар соҳаси статистикаси бўйича ахборотлардан фойдаланувчиларга реал вакт режимида кўрсаткичларнинг кенгайтирилган рўйхатидан эркин фойдаланиш имконини берувчи статистик маълумотлар базасини ишлаб чиқишида ва юритишида иштирок этиш;

7. Бўлим ўз зиммасига юклangan вазифаларни бажариш учун қуидаги функцияларни амалга оширади:

Давлат статистика ишлари дастури ва вилоят статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурининг хизматлар соҳаси статистикаси бўйича бажарилишини таъминлади;

хизматлар соҳаси статистикасини истиқболли ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади, Давлат статистика ишлари дастурининг мазмунини доимий равишида такомиллаштириш, унинг мамлакат ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, таркибий ва бозор ислоҳотлари, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида ислоҳотларнинг боришини тавсифловчи тегишли мақсадли кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлигини ошириш бўйича амалга ошириладиган ишларда иштирок этади;

хизматлар соҳаси бўйича давлат статистика кузатувлари шаклларини ишлаб чиқишида иштирок этади, статистик ҳисбот шаклларидағи бир-бирини тақрорловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва тугатишни, турли кузатув шаклларининг мослигини мақбуллаштириш бўйича таклифлар тайёрлашни амалга оширади, идоравий статистика кузатувларини экспертиза қилиш ва келишишини таъминлашда иштирок этади;

хизматлар соҳаси бўйича статистик инструментарийни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш ҳамда сифатни бошқариш тизимини жорий этиш жараёнларида иштирок этади;

Ўзбекистон Республикаси давлат статистика тизимини ривожлантириш дастурларини, давлат статистика фаолиятининг жорий ва истиқбол режаларини, Давлат статистика қўмитасининг методологик ишлар режасини амалга оширишда иштирок этади;

давлат органларини, юридик шахсларни, халқаро ташкилотларни ва аҳолини хизматлар соҳаси статистикаси бўйича ахборотлар билан белгиланган тартибда таъминлади;

оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш учун хизматлар соҳасида юз бераётган ўзгаришларни ифодаловчи таҳлилий маълумотлар, диаграммалар, графиклар ва пресс-релизлар тайёрлайди;

Бошқарма раҳбариятининг топшириклари ва фойдаланувчиларнинг сўровларига асосан хизматлар соҳаси статистикаси бўйича маълумотлар тайёрлайди;

хизматлар соҳаси статистикасига оид статистик кузатувлар ва расмий статистик маълумотларни тарқатиш бўйича ташкил этиладиган ахборот-тушунтириш ишларида иштирок этади;

хизматлар соҳаси статистикаси методологиясини халқаро стандартлар ва расмий статистика принципларига, жамият эҳтиёжларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мос келишини таъминлайди;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасининг яратилиши ва юритилишини, унинг муентазам равишда тўлдирилиб ва янгиланиб борилишини таъминлайди;

худудий статистика органларига ва манфаатдор фойдаланувчиларга хизматлар соҳасига таалуқли статистик классификаторларни ўзлаштиришда методик ёрдам ва маслаҳат кўрсатади, уларни статистика амалиётига жорий этиш ишларида иштирок этади;

ҳар ойда худудий статистика органлари томонидан давлат статистика ҳисботларини тақдим этиш тартибига амал қилиниши юзасидан мониторинг олиб боради;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, шу жумладан, электрон шаклдаги мурожаатларнинг тегишли қисмини кўриб чиқади ва улардаги масалаларни ҳал қилиш бўйича, зарур ҳолларда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари иштироқида, таклифлар тайёрлайди;

Бўлим белгиланган тартибда ўзига юклangan бошқа функцияларни ҳам бажаради.

3-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Бўлим ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Бошқарма бўлимлари ва худудий статистика органларидан ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур материаллар ва маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

худудий статистика бошқармалари томонидан хизматлар соҳаси статистикасида ягона сиёsatни амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш;

хизматлар соҳаси статистикасига оид давлат статистика кузатуви шаклларини ўзgartiriш ва уларни тақдим этиш тартиби, давлат статистика кузатувларини ўтказиш усуслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг идоравий статистик кузатув шакллари бўйича таклифлар бериш;

статистика мақсадларида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа юридик шахслардан (зарурат бўлганда уларнинг ваколатхона ва филиалларидан) белгиланган тартибда давлат статистика ҳисботини олиш ҳамда ундан статистика мақсадларида фойдаланиш;

хизматлар соҳаси статистикаси бўйича юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан, хусусий тадбиркорлар фаолиятининг давлат статистика кузатувларини олиб бориш ва олинган маълумотлардан статистика мақсадларида фойдаланиш;

Бўлимга юклangan вазифалар, функциялар ва статистик ишларни бажариш мақсадида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ташкилотлардан белгиланган тартибда маълумот ва тушунтиришлар олиш;

хизматлар соҳаси статистикасига оид услубиёт, статистик ишлар ва расмий статистик маълумотлар юзасидан ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш;

хизматлар соҳаси статистикаси бўйича маълумот ва кўрсаткичлардан ноўрин фойдаланиш ва уларга нотўғри шарҳ бериш ҳолатларини кўриб чиқиш ва улар юзасидан тушунтириш бериш;

кабул қилиб олинаётган статистик маълумотларнинг тўлиқлилиги, ишончлилиги ва ҳолислигини экспертизадан ўтказиш;

давлат статистика маълумотларида бузилишлар аниқланган тақдирда, уларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар бериш ва йиғма давлат статистика маълумотларига тегишли тузатишлар киритиш;

хизматлар соҳаси статистикасига оид масалалар юзасидан халқаро статистика ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш, шунингдек халқаро семинар ва йиғилишларда иштирок этиш;

Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, Давлат статистика қўмитасининг иш режалари, Бўлим иш режасининг тузилиши ва мазмуни бўйича Бухоро вилояти статистика бошқармаси раҳбариятига таклифлар киритиш;

хизматлар соҳаси статистикаси кузатувларини ташкил этиш ва услубиятини такомиллаштириш бўйича Бошҳарма раҳбариятига таклифлар киритиш;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича бошқарма ва бўлимлари билан ҳамкорлик қилиш.

9. Бўлим қўйидагилар учун жавобгар:

ўзига юклangan вазифаларни самарали ва лозим даражада бажариш;

ваколатига кирувчи таҳлилий ва бошқа материалларни юқори даражада тайёрлаш;

давлат статистикаси принципларига амал қилиш, илғор халқаро амалиётга мувофиқ фойдаланилаётган усуллар ва методикаларни доимий равишида такомиллаштириш;

Бўлим ходимлари томонидан белгилangan норматив-ҳуқуқий хужжатларга мувофиқ ижро интизомини таъминлаш.

4-боб. Бўлимнинг тузилмаси

10. Бўлимнинг тузилмаси ўз ичига Бўлим бошлигини, шунингдек:

бўлим бошлиғи ўринбосари, бош ва 2 дона етакчи мутахассислар киради.

11. Бўлим ишига Бошҳарма бошлиғи раҳбарлик қиласди.

12. Бўлим бошлиғи, бўлим бошлиғи ўринбосари ва мутахассислари Давлат статистика қўмитаси раиси томонидан тасдиқланади ҳамда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

13. Бўлим қўйидагиларни амалга оширади:

хизматлар соҳасини ривожлантириш, хизматлар соҳасида мақсадли дастурларнинг амалга оширилиши бўйича ойлик, чораклик ва йиллик статистик ҳамда таҳлилий маълумотларни тайёрлаш ва тақдим этиш;

таҳлилий жадваллар, пресс-релизлар, маърузалар ва статистик тўпламларни тайёрлаш, хизматлар соҳасини ривожлантириш масалалари бўйича халқаро ташкилотлар саволномаларини тўлдириш;

оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш учун хизматлар соҳасида юз берадиган ўзгаришларни ифодаловчи таҳлилий маълумотлар, диаграммалар, графиклар ва пресс-релизлар тайёрлаш;

Бошқарма раҳбариятининг топшириклари ва фойдаланувчиларнинг сўровларига асосан хизматлар соҳаси статистикаси бўйича маълумотлар тайёрлаш;

хизматлар соҳаси бўйича асосий кўрсаткичларнинг динамик қаторларини юритиш;

хизматлар соҳаси статистикасига оид статистик кузатувлар ва расмий статистик маълумотларни тарқатиш бўйича ташкил этиладиган ахборот-тушунтириш ишларида иштирок этиш;

миллий ва хорижий фойдаланувчиларнинг кенг оммаси учун хизматлар соҳаси статистикасига оид кўрсаткичларни максимал даражада шаффоғлиги ва ошкоралигини таъминлаш;

хизматлар, транспорт ва ахборот инфратузилмаси статистикаси бўйича (кузатув шакллари ва йиғма таҳлилий жадваллар намунаси, кўрсаткичларни ҳисоблаш методикаси, маълумотларни қайта ишлаш бўйича дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш учун техник топшириқларни тайёрлаш) статистик инструментарийларни шакллантириш;

хизматлар, транспорт ва ахборот инфратузилмаси статистикаси бўйича ахборотларни Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган ишлар ва муддатлар бўйича йиғиш, қайта ишлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш, сақлаш, чоп этиш ва тарқатиш;

хизматлар, транспорт ва ахборот инфратузилмаси соҳаси бўйича муҳим индикаторларни баҳолаш ва ҳисоб-китобини юритиш, барқарор ривожланиш максадлари индикаторлари учун маълумотлар тайёрлаш;

хизматлар, транспорт ва ахборот инфратузилмаси статистикаси ахборотларини шакллантириш масалалари бўйича ҳудудлар миқёсида тегишли бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштириш;

хизматлар соҳаси бўйича статистик ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, умумлаштириш ва сақлашнинг замонавий усул ва услубиятларини кенг жорий қилган ҳолда статистик кузатувларни ташкил этиш ва умумэътироф этилган халқаро амалиётга мослаштириб бориш.

уй-жой фондини ободонлаштириш статистикаси бўйича (кузатув шакллари ва йиғма таҳлилий жадваллар намунаси, кўрсаткичларни ҳисоблаш методикаси, маълумотларни қайta ишлаш бўйича дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш учун техник топшириқларни тайёрлаш) статистик инструментарийларни шакллантириш;

уй-жой фондини ободонлаштириш соҳаси статистикаси бўйича ахборотларни Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган ишлар ва муддатлар бўйича йиғиш, қайта ишлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш, сақлаш, чоп этиш ва тарқатиш;

оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш учун уй-жой фондини ободонлаштириш соҳаси бўйича таҳлилий маълумотлар, диаграммалар, графиклар ва пресс-релизлар тайёрлаш;

худудий статистика органлари томонидан уй-жой фондини ободонлаштириш статистикаси соҳасига оид давлат статистика кузатувларини ягона статистика методологияси асосида ташкил этиш ишларини мувофиқлаштириш;

уй-жой фондини ободонлаштириш соҳаси бўйича давлат статистика хисоботлари шакллари ва кузатув сўровномаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

уй-жой фондини ободонлаштириш соҳаси бўйича статистик ахборотларнинг маҳаллий ва хорижий фойдаланувчилар учун очиқлигини таъминлаш ҳамда халқаро статистика ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш;

уй-жой фондини ободонлаштириш соҳаси бўйича асосий кўрсаткичларнинг динамик қаторларини юритиш.

5-боб. Бўлимнинг фаолиятини ташкил этиши

16. Бўлимнинг иши Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишларини ишлаб чиқиши дастури, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида низом, мазкур Низом, Давлат статистика қўмитаси раисининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Давлат статистика қўмитасининг иш режалари, бўлимнинг иш режалари ва бўлим ходимларининг функционал вазифалари асосида ташкил этилади.

Бўлимнинг иш режаси Бухоро вилояти статистика бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика қўмитаси Бухоро вилояти статистика бошқармасининг иш режалари асосида шакллантирилади ва бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Ходимларнинг функционал вазифалари Бўлим бошлиғи томонидан бўлинмага юклangan вазифалардан келиб чиқсан ҳолда тайёрланади ва бошқарма ўринbosари томонидан тасдиқланади.

17. Бўлим бошлиғи:

Бўлимга бевосита раҳбарликни амалга оширади, ўз ўринbosари, бўлим бошлиқлари ва мутахассисларнинг ишини ташкил қиласи, бўлимга юклangan вазифа ва функцияларнинг лозим даражада бажарилиши, ижро ва меҳнат интизомининг ҳолати учун шахсан жавоб беради;

Бўлимнинг тасдиқланган тузилмаси ва штат жадвалига мувофиқ лавозимларга тавсия қилинган номзодлар, ходимларнинг касбий даражаси ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш чоралари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва раҳбариятга кўриб чиқиши учун киритади;

Бўлимнинг иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва бошқарманинг ўринbosарига тасдиқлаш учун киритади;

Бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Бухоро вилоят статистика бошқармасининг йиғилишлари ва мажлисларида, шунингдек бошқарма бошлигининг топшириғига биноан бўлим тасарруфига кирувчи масалалар бўйича идоралараро ишчи гуруҳлар ва кенгашлар фаолиятида иштирок этади;

Бошқарма бошлиғи ва унинг ўринбосарларининг топшириқларига мувофиқ таҳлилий ва умумлаштирувчи материалларни тайёрлайди, қўйилган вазифаларни янада самарали амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилишини таъминлайди;

хизматлар соҳаси статистикаси бўйича услугий хужжатларни қўллаш бўйича статистика бўлинмаларининг раҳбарлари ва мутахассисларига маслаҳат ва услугий ёрдам кўрсатади;

Бухоро вилояти статистика бошқармасининг ва бўлимнинг жорий ва истиқбол иш режалари га мувофиқ бўлим ваколатига киравчи масалалар бўйича таҳлилий ва бошқа материалларни ўз вақтида, тизимли асосда тайёрланишини таъминлайди;

Бўлим ишининг самарадорлиги даражасини ошириш ва кадрлар билан тўлдириш чораларини қўради;

Бўлим ходимлари билан юклатилган вазифалар, киравчи хужжатларни назорат қилиш ва тажриба алмашиб масалалари юзасидан йўриқнома бериш бўйича йигилишлар ўтказади;

иш юритиши олиб бориш, топшириқларни ўз вақтида ижро этилишини қатъий назорат қилиш бўйича ишларни ташкил қиласди, ходимлар томонидан хизмат ҳужжатлари билан ишлаш ва уларни сақлаш бўйича ишларнинг белгиланган тартибига амал қилинишини таъминлайди.

бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди ва уларнинг ишини мувофиқлаштиради, бўлимга юклangan вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Бухоро вилоят статистика бошқармаси ва бўлимнинг иш режаларида кўзда тутилган масалаларни ўрганилишини ва чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

бўлим мутахассислари томонидан маълумотнома, таҳлилий, статистик ва бошқа материалларни сифатли ва ўз вақтида тайёрланишини ташкил қиласди;

статистика соҳасида илғор хорижий тажрибани ривожлантириш ва статистика амалиётига жорий этиш бўйича бўлим мутахассислари тайёрлаган таклифларни умумлаштиради;

бўлимга юклangan масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини амалга ошириш юзасидан норматив-хуқуқий ҳужжатлар, ташкилий чора-тадбирлар ёки назорат режаларини тайёрлаш ва тасдиқлаш бўйича ишларни мувофиқлаштиради;

бўлим ишларининг самарадорлиги даражасини ошириш, иш услугини методларини, уни ташкил қилишни яхшилаш, ҳисбот, ижро ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

Бўлим ваколатига киравчи масалалар бўйича худудий статистика органларига маслаҳат ёрдами кўрсатади;

ходимлар томонидан давлат ва тижорат сирига риоя қилинишини ҳамда бўлимга киравчи материалларни ва бўлимдан чиқувчи материалларнинг нусхаларини сақланишини таъминлайди;

бўлим ваколатига киравчи масалаларни мухокама қилишда идоралар, корхоналар ва ташкилотларда Бухоро вилояти статистика бошқармаси манфаатларини ифодалайди;

бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклда келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқилишини (зарур ҳолларда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари иштирокида) ташкил қиласди, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича таклифлар тайёрлайди ва Бухоро вилояти статистика бошқармаси раҳбариятига киритади;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

20. Бўлим бошлиғи вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Бўлим бошлиғи ўринбосари бажаради.

21. Бўлим бошлиғи ўринбосари:

хизматлар, транспорт ва ахборот инфратузилмаси статистикаси бўйича (кузатув шакллари ва йигма таҳлилий жадваллар намунаси, кўрсаткичларни ҳисоблаш методикаси, маълумотларни қайта ишлаш бўйича дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш учун техник топшириқларни тайёрлаш) статистик инструментарийларни шакллантирилишини, хизматлар, транспорт ва ахборот инфратузилмаси соҳаси бўйича бюллетенлар, тўпламлар, маъruzалар ва иқтисодий ёзишма материаллар учун статистик маълумотлар тайёрланишини ташкил этади;

хизматлар, транспорт ва ахборот инфратузилмаси соҳаси бўйича муҳим индикаторларни баҳоланишини ва ҳисоб-китобини юритилишини ҳамда барқарор ривожланиш мақсадлари индикаторлари учун маълумотлар тайёрланишини таъминлайди;

статистика услубияти масалалари бўйича ҳалқаро ва бошқа давлатлар тажрибасини ўрганиш ва уни миллий статистика амалиётига жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

хизматлар, транспорт ва ахборот инфратузилмаси соҳаси бўйича давлат статистика ҳисоботлари шакллари ва кузатув сўровномаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

статистик маълумотларни шарҳлаш, статистик кузатув бланкаларини тўлдириш масалалари, маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш услублари, статистик ҳисоб-китоблар ўтказиш, олинган маълумотларнинг ишончлилигини экспертизадан ўтказиш бўйича маслаҳатлар беради;

статистик кузатувларнинг электрон маълумотлар базаси сакланишини ва асосий статистик кўрсаткичлар бўйича динамик қаторлар юритилишини назорат қиласди;

хизматлар, транспорт ва ахборот инфратузилмаси соҳаси бўйича Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган ишлар ҳажмини баҳолаш учун зарур бўлган материалларни тайёрлайди;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

22. Бўлим бош мутахассиси:

функционал вазифаларига мувофиқ маълумотлар, материаллар, таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ва протокол топшириқларидан келиб чиқадиган давлат статистика органлари вазифаларини амалга ошириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

соҳа бўйича бюллетенлар, тўпламлар, маъruzалар ва иқтисодий ёзишма материаллар учун статистик маълумотлар тайёрлайди;

соҳа бўйича муҳим индикаторларни баҳолайди ва ҳисоб-китобини юритади, барқарор ривожланиш мақсадлари индикаторлари учун маълумотлар тайёрлайди;

илмий журналлар, халқаро ташкилотларнинг методологик нашрлари ва Интернет тармоғидаги материалларни ўрганиш асосида статистика соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ривожлантириш ва статистика амалиётига жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

соҳа бўйича давлат статистика ҳисботлари шакллари ва кузатув сўровномаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

соҳа бўйича асосий статистик кўрсаткичларнинг динамик қаторларини юритади ва доимий равишда янгилаб боради;

статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш ва тақдим этиш бўйича дастурий таъминотларни синовдан ўтказишида иштирок этади;

бўлим бошлигининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чиқиш учун зарур материалларни тайёрлайди, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича лойиҳани тайёрлайди;

раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

23. Бўлим етакчи мутахассиси:

функционал вазифаларига мувофиқ соҳа бўйича маълумотлар, материаллар, таклифлар ва хужжат лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ва протокол топшириқларидан келиб чиқадиган давлат статистика органлари вазифаларини амалга ошириш бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этади;

соҳа бўйича давлат статистика ҳисботларини белгилangan муддатларда сифатли тақдим этилишини назорат қиласи, олинган маълумотларни таҳлил қиласи, улар асосида жамланма маълумотлар жадвалларини шакллантиради, асосий статистик кўрсаткичларни ҳисоблаш ишларини амалга оширишда иштирок этади;

соҳа бўйича бюллетенлар, тўпламлар, маъruzалар ва иқтисодий ёзишма материаллар учун статистик маълумотлар тайёрлашда иштирок этади;

соҳа бўйича давлат статистика ҳисботлари шакллари ва кузатув сўровномаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этади;

статистик маълумотларни шарҳлаш, статистик кузатув бланкаларини тўлдириш масалалари, маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш услублари, статистик ҳисоб-китоблар ўтказиш, олинган маълумотларнинг ишончлилигини экспертизадан ўтказиш бўйича маслаҳатлар беришда иштирок этади;

бўлим бошлигининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чиқиш учун зарур материаллар ва уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этади;

иш юритишни олиб боради, бўлимда хужжатларнинг ўтиш тартибини ташкил қиласди, хужжатларни архивда саклаш учун тайёрлаш ва ўз вақтида топширишни таъминлайди;

раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.